

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ва ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ  
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**ТОЛИБОВ БЕҲЗОД ИБРОҲИМ ЎҒЛИ**

**ҚИММАТБАҲО КОМПОНЕНТЛАР АЖРАТИБ ОЛИШ МАҚСАДИДА  
МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ СУЛЬФИДЛИ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА  
КЕКЛАРИНИ КУЙДИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.02.01. - Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва  
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси  
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора технических наук (DSc)**

**Content of dissertation abstract of doctor of technical sciences (DSc)**

**Толибов Бехзод Иброҳим ўғли**

Қимматбаҳо компонентлар ажратиб олиш мақсадида металлургия саноати сульфидли материаллари ва кекларини куйдириш жараёнини такомиллаштириш.....3

**Толибов Бехзод Иброхимович**

Усовершенствование процесса обжига сульфидных материалов и кеков металлургического производства для извлечения ценных компонентов.....27

**Tolibov Behzod Ibrohimovich**

Improvement of the process of roasting of sulfide materials and sludges of metallurgical production for the recovery of valuable components.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ва ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ  
УНИТАР ҚОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**ТОЛИБОВ БЕҲЗОД ИБРОҲИМ ЎҒЛИ**

**ҚИММАТБАҲО КОМПОНЕНТЛАР АЖРАТИБ ОЛИШ МАҚСАДИДА  
МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ СУЛЬФИДЛИ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА  
КЕКЛАРИНИ КУЙДИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.02.01. - Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва  
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси  
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилиқ институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.gupft.uz](http://www.gupft.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Ҳасанов Абдурашид Салиевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Шадрунова Ирина Владимировна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Шарипов Ҳасан Турапович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Абед Нодира Сойибжоновна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Тошкент кимё-технология институти**

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 32-21 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а уй. Тел.: (99871)246-39-28, факс: (99871)227-12-73).

Диссертация автореферати 2021 йил «06» декабрь куни тарқатилди.  
(2021 йил «26» ноябрдаги 32-21 рақамли реестр баённомаси)

*Harold*

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, ЎзРФАкадемиги,  
т.ф.д., профессор

Илмий даражалар берувчи илмий  
уенгаш илмий котиби, к.ф.н., к.и.х.

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор



## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги вақтда жаҳон амалиётида молибден таркибли сульфидли концентратлар турли хил печларда оксидланган ҳолда куйдирилади. Молибден саноат маҳсулотларини оксидловчи куйдириш жараёнида молибден ангидридининг миқдори юқори бўлган сифатли куйинди маҳсулот олиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда амалдаги мавжуд технологиялар содали ёки аммиакли танлаб эритиш жараёнида эритма таркибига ўтмайдиган молибден диоксидининг миқдори куйинди таркибида юқори бўлишига олиб келади. Бу борада сульфидли молибден таркибли саноат маҳсулотларини оксидлаб куйдиришнинг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш ва жараёнда молибден (VI) оксидининг ҳосил бўлиш механизмларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда кон-металлургия саноатининг сульфидли молибден концентратларини қайта ишлаш соҳасида маҳсулот таннархини пасайтириш, ажратиб олиш даражасини ошириш ва шу орқали ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга қаратилган саноат чиқиндиларини қайта ишлашнинг тежамкор усулларини яратиш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада жараёнларнинг чиқинди маҳсулотларида қимматли компонент миқдорини камайтириш, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнлари қолдиқларида қимматбаҳо компонент миқдорини камайтириш, қимматбаҳо компонентларни олиш даражасини ошириш учун янги технологияларни ишлаб чиқиш ва мавжуд технологияларни такомиллаштириш кон-металлургия саноати фан ва амалиётида алоҳида аҳамиятга эга.

Республикада металлургия саноатида молибден сульфидли маҳсулотларини қайта ишлашнинг такомиллаштирилган оксидловчи куйдириш технологиясини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб боришга катта эътибор қаратилиб, давлат стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бандида «... саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш...»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу жиҳатдан молибден ишлаб чиқариш саноатида қимматли компонентлар ажралиш даражасининг ошиши, чиқинди маҳсулотлар таркибида молибден ва бошқа қимматбаҳо компонентларнинг максимал даражада камайтирилиши ва ўз ўрнида молибден саноати сульфидли маҳсулотини ва кекларини оксидлаб куйдиришнинг такомиллаштирилган

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПФ-3145-сон «Фойдали қазилмалар конларини саноат йўли билан ўзлаштириш соҳасидаги лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишлари бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонида, 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорида ҳамда 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ 4477 – сон «2019 - 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси «яшил» иктисодиётига ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Таркибида сульфид-молибден бўлган концентратлар ва кекларни қайта ишлашда оксидлаб куйдириш жараёнини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: KGHM Polska Miedz (Польша), Пекинском кон-металлургия институти (Хитой), Colorado school of mines (АҚШ), Пекин илм-фан ва технологиялар университети (Хитой), El Paso Техас университети (АҚШ), University of Concepcion (Чили), Торонто университети (Канада), Ухан илм-фан ва технологиялар университети (Хитой), Аугсбург университети (Германия), Корея ноёб металлургия институти (Жанубий Корея), “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ (Ўзбекистон), Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС» (Россия) ва Навоий давлат кончилик институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Сульфидли молибденли концентратлар ва кекларни қайта ишлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: кислород иштирокида қиздирилганда молибденит концентратининг натрий хлорид билан ўзаро таъсирининг кимёси ва механизми, молибден концентратларини оксидловчи куйдириш кўрсаткичларининг ортиши, молибденит концентратларини куйдириш кинетикаси, ҳавода  $\text{MoO}_2$  нинг  $\text{MoO}_3$  га оксидланиш механизми ва кинетикасини тадқиқ қилиш усуллари, молибден концентрати босими остида оксидланиш учун кислота ва ишқорий тизимлар вақтида бир кристалли а- $\text{MoO}_3$  боғларининг  $\text{MoS}_2/\text{MoO}_2$  гетероструктураларига нисбатан морфологик

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи:

<http://www.natlib.uz/ru>; <https://sci-hub.se>;

<https://libgen.is>; <http://>, <https://link.springer.com>;

<http://geologinfo.ru>; <https://researchgate.net> ва бошқа манбалар.

ва структуравий эволюцияси ўрганилган (Миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСиС" (Россия), Торонто университети (Канада), Пекин кон-металлургия институти (Хитой).

Дунёда молибден-сульфидли концентратларни оксидлаб куйдириш бўйича куйидаги устувор йўналишларда қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан: паст ҳароратли шароитда оксидловчи куйдириш жараёнининг самарадорлигига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш, молибденнинг оксидли бирикмаларини ҳосил бўлишини тадқиқ этиш, самарали усулларни ишлаб чиқиш, молибден концентратлари ва кекларни қайта ишлаш, таркибида молибден бўлган сульфидли концентратларни қайта ишлаш жараёнида молибден ва бошқа қимматбаҳо металлларнинг йўқотилишини камайтириш, тўлиқ оксидланган куйинди маҳсулотларини олиш учун оксидловчи куйдиришнинг кинетикаси ва механизмларини ўрганиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ноёб, нодир ва рангли металллар таркибли сульфидли маъдан ва материалларни бойитиш ва қайта ишлаш бўйича илмий ишланмалар ривожига куйидаги олимлар узоқ йиллар фаолият юритиб, илмий тадқиқот ишларини олиб борган: А.Н.Зеликман, Кривандин В.А., Sooeun Shin, T. Marin, T. Utigard, C. Hernandez, T.Ressler, П.Александров, G. Ramadorai, L.Aleman-Vazquez, Emmet R.C., van Aswegen P.C., M.Wadsworth, Санакулов К.С., Пирматов Э.А., Адамов Э.В., Меретуков М.А., Кондратьева Т.Ф., Шадрунова И.В., Панин В.В., Тусупбаев Н.К., Wilkomirsky, I., Lu Wang, Chung-Yang Bu, Bin Hu, Liqiang Mai, Hongfei Liu, N.Floquet, J.J. Robinson, J.J.Heizmann, Шарипов Х.Т., Якубов М.М., Хасанов А.С., Кожажметов С.М., Михриддинов М. ва бошқалар.

Мавжуд ишларни таҳлил қилиш асосида шуни таъкидлаш керакки, молибден ўз ичига олган сульфидли саноат маҳсулотларни оксидловчи куйдириш кўрсаткичларини яхшилаш бўйича комплекс тадқиқотлар олиб борилган ва усуллар ишлаб чиқилган. Шу билан бир қаторда оксидлаб куйдириш жараёни сифати билан боғлиқ сульфидли заррачаларнинг тўлиқ оксидланмаслиги, сульфидсизлантириш даражасининг пастлиги, олинган маҳсулотда молибден диоксиди микдорининг кўп бўлиши, жараёнда кўп энергия йўқотилиши каби муаммолар тўлиқ ўрганилмаган. Мазкур диссертация ишида оксидлаб куйдириш печларида энергиядан рационал фойдаланиш ва сульфидсизлантириш даражасини яхшилаш масалалари кенг ёритилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилик институти илмий тадқиқот режасининг №И-2017-8-1—«ГМЗ-3 шароитида олтин ажратиб олиш самарадорлигини ошириш учун янги турдаги куйдириш печини яратиш ва чиқинди газлардан қўшимча электр энергияси олиш» (2017-2018 йй.) ҳамда 2-2015-сон «Табиий сульфидли хомашёлар ва саноат маҳсулотларини қайта

ишлаш учун тезкор куйдириш усули ва қурилмасини яратиш» (2015-2016 йй.) мавзуларидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қимматбаҳо компонентлар ажратиб олиш мақсадида металлургия саноати сульфидли материаллари ва кекларини куйдириш жараёнини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

оксидловчи куйдириш ва танлаб эритиш жараёнида молибден диоксиди ва молибден ангидридининг ҳосил бўлишини ўрганиш учун молибден саноати маҳсулоти, куйиндилари, чанглари ва танлаб эритиш кекларининг минералогик тузилишини илмий тадқиқ қилиш;

печларнинг асосий кўрсаткичларини таққослаш мақсадида турли металлургия печларида оксидловчи куйдириш жараёнида минералларнинг кимёвий хоссаларини ва жараёнда молибден дисулфиди ҳамда молибден ангидриди ҳосил бўлишини аниқлаш ва солиштириш;

молибден бирикмаларидан иборат молибден саноати маҳсулоти ва кекларидан молибден триоксидини олиш;

оксидловчи куйдириш жараёнида молибден ва бошқа қимматли компонентларнинг оксидланиш даражаси ва ажратиб олишга таъсир этувчи турли омиллар қонуниятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

куйдириш жараёнида молибден ангидриднинг масса улушини ошириш учун сульфидли молибден саноати маҳсулотини қайта ишлаш бўйича комплекс назарий ва амалий тадқиқотлар ҳамда самарали технологияни амалга ошириш;

молибден триоксиди ва қимматли компонентларнинг бошқа оксидли бирикмаларини кейинчалик аммоний парамолибдат олиш учун эритмага ўтказишда аммиакли ва содали танлаб эритиш усуллари технологиясини тадқиқ қилиш;

молибден маҳсулоти, чанг ва кекларни қайта ишлашнинг комплекс технологиясини яратиш ва тавсия бериш

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Олмалиқ кон-металлургия комбинати ноёб металллар ва қаттиқ қотишмалар илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси молибден саноати маҳсулоти, куйиндилари, содали танлаб эритиш жараёнидан чиққан молибденли кеклар ва молибден концентратларини қайта ишлашдаги саноат чанглари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** қимматбаҳо компонентларни танлаб эритиш орқали ажратиб олиш учун молибден саноати сульфидли маҳсулотини оксидлаб куйдиришнинг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда замонавий комплекс усулларни жамлаган, сульфидли материалларни оксидлаб куйдириш бўйича илмий-техник маълумотларни таҳлил қилиш, аналитик, графоаналитик ва статик усуллардан иборат назарий тадқиқотлар, лаборатория синовлари, тажриба-саноат синовлари, гранулометриқ таҳлил, электрон ва рентген структурали микроскопия, пробиркали, кимёвий ва фазали таҳлил усуллари, энергодисперсион спектроскопия, масс-спектрометрия, сканерловчи электрон



микроскоп таҳлили, тажриба натижаларини математик қайта ишлаш услубларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сульфидли маҳсулотларнинг тўлиқ оксидланмаслик ва молибден диоксиди ҳосил бўлиш сабаблари аниқланди, молибден саноати маҳсулоти, куйиндилар, молибден саноати чанглари ва танлаб эритиш кекларининг минералогик тузилиш таркиблари асосланган;

куйдириш жараёнигача ва куйдириш жараёнидан кейинги молибденли бирикмаларнинг минералогик хусусиятлари аниқланган;

куйдириш жараёнига оксидли бирикмалар ҳосил бўлиш механизмларининг таъсири асосланган ва сульфидларнинг кристалл панжарасини ўзгартирувчи кислороднинг энг мақбул таъсир шароитлари аниқланган;

молибден ишлаб чиқариш саноатининг асосий маҳсулоти ҳисобланган молибден ангидриди юқори миқдорда бўлган тўлиқ оксидланган куйинди маҳсулот олиш учун молибден саноати маҳсулотини айланма қувурли печда, қайнар қатламли печда ва кўп тубли печда оксидлаб куйдиришнинг технологик кўрсаткичлари, афзаллик ва камчиликлари аниқланган;

молибден саноат маҳсулотини оксидлаб куйдиришнинг кўрсаткичлари ўрнатилган ва такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилган, куйдириш жараёнида молибден диоксидининг ҳосил бўлиш сабаблари аниқланган;

куйдириш ва аммиакли ҳамда содали танлаб эритишнинг асосий омиллари асосланган;

молибден саноат маҳсулоти ва кекларини қайта ишлаш технологик схемаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

молибден саноати сульфидли маҳсулотини оксидлаб куйдириш жараёнида эрмайдиган молибден (IV) оксидининг ҳосил бўлиш сабаблари аниқланган;

550°C ли паст ҳароратда 3-4 соат вақт мобайнида молибден саноати маҳсулотини оксидлаб куйдиришнинг тўлиқ технологик регламенти ишлаб чиқилган;

таркибида кўп миқдорда молибден ангидриди мавжуд бўлган сифатли куйинди олиш имконини берувчи молибден саноати сульфидли маҳсулотини кўп тубли печда оксидлаб куйдиришнинг такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилган;

молибден ангидридининг эрувчанлигини яхшилаш ва эритмага ўтказиш учун молибден саноати маҳсулотининг куйиндиларини аммиакли ва содали танлаб эритишнинг мақбул омиллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги етарли даражада ўтказилган лаборатория ва ярим-саноат тажрибалари, ишлаб чиқилган оксидлаб куйдириш жараёни режимларини қўллаш орқали асосий компонентни ажратиб олиш даражасининг ошиши ишнинг асосий ғоясини миқдор жиҳатидан тасдиқлайди ва қониқарли мос

келадиган натижалар, оксидланиш даражасининг ошганлигини тасдиқловчи салмоқли ижобий натижалар, шунингдек ижобий лаборатория ва саноат-тажриба синовлари далолатномалари билан изоҳланади.

#### **Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти куйдириш жараёнида сульфидли молибден бирикмаларининг тўлиқ оксидланмаслик сабаблари аниқланганлиги, шунингдек сульфидли кеклар ва материалларни муаллақ ҳолатда оксидлаб куйдиришни жадаллаштириш учун янги турдаги куйдириш печини қўллашнинг мақсадга мувофиқ эканлигини назарий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сульфидли молибден таркибли материаллардан қимматбаҳо компонентлар ажратиб олиш даражасини оширишни таъминлайдиган муаллақ ҳолатда ҳамда кўп тубли печда паст ҳароратда интенсив оксидлаб куйдириш орқали оксидланиш даражасини оширилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қимматбаҳо компонентлар ажратиб олиш мақсадида металлургия саноати сульфидли материаллари ва кекларини куйдириш жараёнини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сульфидли молибден маҳсулотини оксидлаб куйдиришнинг такомиллаштирилган технологияси Олмалик кон-металлургия комбинати АЖ ноёб металллар ва қаттиқ қотишмалар илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси сульфидли молибден концентратларини куйдириш жараёнида қўлланган («ОКМК» АЖнинг 2021 йил 25 ноябрдаги №АА-009633-сонли маълумотномаси). Натижада сульфидсизлантириш даражаси оширилиши таъминланган, икки босқичли танлаб эритишдан сўнг 94% оксидланган молибден эритмага ўтказиш имконини берган;

тадқиқотлар натижасида сульфидли молибден концентратларини оксидлаб куйдириш учун ўрнатилган омиллар Олмалик кон-металлургия комбинати АЖ молибден саноати маҳсулотини куйдириш жараёнида қўлланилган («ОКМК» АЖнинг 2021 йил 25 ноябрдаги №АА-009633-сонли маълумотномаси). Натижада таркибида 90% гача  $\text{MoO}_3$  бўлган сифатли куйинди олиш орқали куйиндининг эриш даражаси 92% гача оширилиши таъминлаш имконини берган;

молибден саноат маҳсулотини паст ҳароратда (550 °С) 3-4 соат мобайнида оксидлаб куйдиришнинг технологик регламенти Олмалик кон-металлургия комбинати АЖ сульфидли молибден концентратларини куйдириш жараёнида қўлланилган («ОКМК» АЖнинг 2021 йил 25 ноябрдаги №АА-009633-сонли маълумотномаси). Натижада  $\text{MoO}_3$  нинг эритмага ўтиши 94% гача кўтарилган, бошқа керакли қимматбаҳо компонентлар кек таркибида қолиши таъминлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг натижалари 4 та халқаро ҳамда 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 2 та республика ва 8 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиш ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бегта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланиш бўйича тавсиялар, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

**“Турли молибден концентратларини оксидловчи куйдириш бўйича жаҳон технологияларининг ҳолати”** деб номланган биринчи бобида сўнгги йилларда ишлаб чиқилган турли хил сульфидли материалларни, шу жумладан молибден ишлаб чиқаришнинг қўшимча маҳсулотлари ва таркибида 9-10% гача сульфидли олтингугурт бўлган молибден кекларини оксидловчи куйдириш муаммоларини ўрганадиган замонавий адабиёт манбалари ҳақида умумий маълумот ва таҳлил қилиш натижасида, оксидловчи куйдириш жараёни маҳсулотига қўйиладиган талаблар таҳлил қилинган. Турли хил металлларни ўз ичига олган сульфидли материалларни оксидловчи куйдиришнинг мавжуд технологияларини таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги самарасизликлар аниқланди:

Молибден концентратларини оксидловчи куйдириш жараёни 550-600 °C ҳароратда амалга оширилади, куйиш ҳароратининг ошиши билан сульфид зарралари  $\text{MoO}_2$  ва  $\text{MoO}_3$  гача оксидланади. Сульфидларнинг кам оксидланишига йўл қўймаслик учун ҳарорат кўтарилганда, у ҳолда тез суюқладиган заррачаларнинг бирлашиб, эриган заррачалар шаклланиши бошланади.

Молибден концентратларини куйдириш учун анъанавий равишда қуйидаги қурилмалар қўлланилади: куйиндини қўлда аралаштириш амалга ошириладиган муфел ёки камерали печлар; айланма қувурли печлар; кўп тубли печлар; қайнар қатламли печлар.

Молибден концентратлари ва ўрта қисмларини қайта ишлашнинг мавжуд маҳаллий ва хорижий технологиялари олтингугурт диоксидини газ фазасига, ренийнинг ярмидан кўпи  $\text{Re}_2\text{O}_7$  шаклида ва қисман  $\text{MoO}_3$  шаклида молибденни чиқариш билан оксидловчи куйдиришдан иборат. Бу экологик

муаммоларни келтириб чиқаради ва металлларнинг тикланмайдиган йўқотишларига олиб келади.

Мавжуд технологияларнинг юқоридаги камчиликлари сулфидли материалларни оксидловчи куйдиришнинг бошқа усуллари ўрганиш учун асосдир.

Пирометаллургия кўпчилик металлларни металлургик қайта ишлашнинг асосий усули бўлиб қолмоқда. Ушбу металлга ишлов бериш усули куйдиришни ўз ичига олади, бу жараён газ-қаттиқ реакциясини ўз ичига олади, бу жараёнда қаттиқ модданинг юқори ҳароратли муҳитга киритилиши, куйдириладиган материалнинг керакли таркибий қисмларини янада тозалашдан иборат. Дунёда деярли барча молибден концентратлари бугунги кунда оксидловчи куйдириш жараёнидан ўтади, чунки бу ишлаб чиқарувчилар учун кутилган натижаларни келтириб чиқарадиган аниқ белгиланган жараён ҳисобланади.

Одатда, молибден концентратларини қайта ишлаш куйдиришни ўз ичига олган кўп босқичли жараён бўлиб, босимли оксидланиш эса керакли материални эритмага тўғридан-тўғри ўтказишдир. Камроқ қўлланилса-да, босимли оксидланиш сифатсиз концентратни самарали камайтириш мумкин. Бундан ташқари, кўплаб экологик чекловлар пирометаллургия жараёнларига нисбатан тобора кучайиб бормоқда; бу сифатсиз концентратли куйдиришдан фойдаланиш имкониятини янада камайтиради. Гидрометаллургиядан фойдаланиш, айниқса босимли оксидланиш, молибден концентратларини қайта ишлаш бўйича бир қанча сўнгги тадқиқотларда истиқболли натижаларни кўрсатди.


Технологик печлар деярли барча кимё саноатида кенг қўлланилади. Печларда ёқилғининг (газсимон, суюқ ва комбинацияланган) ёниши туфайли қайта ишланган маҳсулотни иситиш жараёни амалга оширилади. Иссиқлик узатиш механизми анча мураккаб, чунки бу қурилмаларда, масалан, иссиқлик алмашинувчиларидан фарқли ўлароқ, радиация (радиация) компонентининг умумий иссиқлик узатишдаги ҳиссаси катта. Баъзи ҳолларда бу иссиқлик узатиш механизми кенг тарқалган. Олинган тутун газларининг ҳаракатини ташкил этиш, ўз навбатида, конвектив компонентнинг умумий иссиқлик ўтказувчанлигига ҳисса қўшишга сезиларли таъсир қилади. Ўтказилган таҳлиллар асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объектлари ва усуллари”** номли иккинчи бобида объектни танлаш ва асослаш шакллантирилган, паст ҳароратли интенсив оксидловчи куйдириш, таклиф этилаётган технология самарадорлигини ўрганиш бўйича тадқиқот усуллари ишлаб чиқилган, ўрганилаётган материалларнинг кимёвий ва минералогик таркиби ўрганилган. Натижалар таҳлил қилиниб, кимёвий ва минералогик таҳлил маълумотлари асосида молибден ишлаб чиқаришнинг сулфидли молибденли куйиндилар, молибден саноат маҳсулоти, кеклар ва чангларни оксидловчи куйдириш бўйича тадқиқот методологияси ишлаб чиқилган, сулфидли молибден ўз ичига олган материалларни (кек, молибден саноат маҳсулоти, чанг, куйиндилар)

оксидловчи куйдиришни синаш мақсадида ҳар бир ўтказилган тажриба учун иш кетма-кетлиги ишлаб чиқилган.

Тажрибалар давомида тадқиқот объекти сифатида турли хил сулфидли материаллар ишлатилган: ОКМК АЖ "Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси гидрометаллургик ишловдан сўнг таркибида 8-10% гача молибден бўлган молибден кеклари, молибден саноати маҳсулоти, чанглари ва куйинди маҳсулотлари.

Намуналарнинг кимёвий ва фазавий таҳлиллари НКМК ДК Марказий илмий-тадқиқот лабораторияси ва ОКМК АЖ "Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси кимёвий лабораторияларида ўтказилди.




**1-расм. Сканерловчи электрон микроскоп тасвирлари (танлаб эритиш кеклари)**

Ўрганилаётган материалнинг хусусиятларини тўлиқ таҳлил қилиш учун куйидагилар бажарилди:

1. Микрогрануляция бўйича тадқиқотлар
2. Гарнуларнинг иссиқлик ва механик барқарорлиги ўрганилди
3. Оксидлаб куйдириш жараёнини тадқиқ қилиш
4. Танлаб эритиш жараёнини ўрганиш

Барча намуналар трансмиссия электрон микроскопидаги элементар таҳлил энергия дисперсив спектроскопия (ЭДС) ёки характерли электрон энергиясини йўқотиш спектроскопияси EELS ёрдамида амалга оширилди.

1-расмда танлаб эритиш кекларини сканерловчи электрон микроскопидаги тасвирлари кўрсатилган. Расмда кислород ва сульфидлар билан боғланган молибден зарралари кўрсатилган ва намуна юзасининг асосий қисми темир оксидлари билан қопланганини кўриш мумкин. Бунда А - молибден оксидлари, Б - молибденнинг сульфид зарралари ва қолганлари, асосан, темир оксидлари белгиланган. Сканерли электрон микроскопда оғир зарралар ёрқинроқ кўринади, чунки зарралар қанчалик ёрқин бўлса, шунчалик оғирроқ бўлади. Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, намунанинг асосий юзаси темир оксидларидан иборат.



**2-расм. Танлаб эритиш кекларининг ЭДС таҳлил натижалари**

Тадқиқотлар давомида, тўлиқ сирт харитасини (хариталаш усули) ўрганиш учун ЭДС таҳлили ўтказилди (2-расм). Бу усул намунанинг қайси қисмида таркибий элементлар жойлашганлигини аниқлайди. 2-расмда айтилишича, намунада асосан кислород мавжуд ва кислород мавжуд бўлган жойда Fe ва Si сигналлари кўринган. Молибден ва олтингугуртнинг сигналлари жуда яқин, шунинг учун молибденнинг L-чизиғи ва олтингугуртнинг K-чизиқларининг пиклари деярли бир хил. Энергия дисперсив спектрометрида рухсат этилган энергия фарқи 130 eV ни ташкил қилади. Аммо молибденнинг La чизиғи ва олтингугуртнинг Ka чизиғи ўртасидаги фарқ 14 eV ни ташкил қилади. Шунинг учун энергия дисперсив





спектрометрни таҳлил қилганда, у бир пикнинг ўзида молибден ва олтингугуртни кўрсатади.

Олмалик кон-металлургия комбинати Ноёб металллар ва қаттиқ қотишмалар илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг молибден сульфидли материалларини оксидланган ҳолда куйдириш бўйича тадқиқот олиб бориш технологияси ишлаб чиқилди.

Оптимал куйдириш режимини аниқлаш учун жараён турли шароитларда амалга оширилди. Шундай қилиб, печ ичидаги ҳарорат 450°C дан 750°C гача ушлаб турилди. Ушбу оралиқда 7 та синов амалга оширилди (450, 500, 550, 600, 650, 700, 750°C). Жараённинг давомийлиги ҳам 45 дақиқадан 120 дақиқাগача ўрнатилди. Ҳар бир ҳарорат режимида тадқиқот натижаларининг ишончлилигини таъминлаш учун камида 8 та тажриба ўтказилди. Оксидланиш жараёнидан сўнг барча намуналар кимёвий таҳлилга топширилди.

Диссертация ишининг **“Молибденли сульфидли маҳсулотларни оксидловчи куйдиришнинг назарий асослари ва тадқиқотлари”** деб номланган учинчи бобида турли сульфидли материалларни интенсив ва паст ҳароратли режимларда оксидловчи куйдиришнинг такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилган.

CrO<sub>3</sub>, V<sub>2</sub>O<sub>5</sub>, WO<sub>3</sub> ва MoO<sub>3</sub> каби ўтиш металл оксидлари муҳим саноат қиймати туфайли кўплаб тадқиқотларда кўриб чиқилган. Уларнинг орасида MoO<sub>3</sub> атроф-муҳит ҳароратида қаттиқ ҳолатдаги литийли батареялар учун энг муҳим интеркаляция материалларидан биридир. Бундан ташқари, MoO<sub>3</sub> одатда молибден металл, ферромолибден қотишмаси ва бошқа соф молибден кимёвий бирикмалари каби саноат молибден маҳсулотларининг асосий бошланғич материали сифатида ишлатилади. Саноат даражасидаги MoO<sub>3</sub> ишлаб чиқариш ҳозирги вақтда молибденит концентратини анъанавий кўп тубли печларда оксидловчи куйдириш йўли билан амалга оширилади. Молибденит концентратининг оксидланиш кинетикасининг турли хил тадқиқотлари ҳақида хабар берилган ва уларнинг аксарияти оксидланиш жараёни MoO<sub>2</sub> саноат маҳсулоти орқали ўтишини кўрсатади ва тегишли оксидланиш жараёнларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:



Молибденит концентратини оксидловчи куйдиришнинг кинетикаси асбоб-ускуналарни лойиҳалаш ва ишлатиш, шунингдек, куйдириш жараёнининг шартларини танлаш учун қизиқиш уйғотади. Ушбу тадқиқотнинг мақсади молибденит концентратининг куйдириш механизмининг яхшироқ тушунишга ёрдам берадиган молибденит концентратини куйдириш жараёнида MoO<sub>2</sub> нинг кейинги оксидланишини ўрганишдир. Бундан ташқари, MoO<sub>3</sub>, MoO<sub>2</sub>, Mo<sub>4</sub>O<sub>11</sub>, Mo<sub>5</sub>O<sub>14</sub>, Mo<sub>8</sub>O<sub>23</sub>, Mo<sub>17</sub>O<sub>47</sub>, Mo<sub>18</sub>O<sub>52</sub> ва бошқалар каби стехиометрик Mo:O нисбати ҳар хил бўлган бир неча фазалар мавжуд. Улар орасида MoO<sub>3</sub> ва MoO<sub>2</sub> термодинамик жиҳатдан энг барқарор фазалардир. Бинобарин, сўнгги ўн йилликларда MoO<sub>3</sub> нинг водород билан MoO<sub>2</sub> га қайтарилиши механизми ва кинетикаси кўплаб тадқиқотчилар томонидан кенг


ўрганилди. Бироқ,  $\text{MoO}_2$  нинг  $\text{MoO}_3$  га оксидланиши бўйича фақат бир нечта тадқиқотлар ўтказилган.

Тадқиқотнинг мақсади жараённинг қулайлиги ва оддийлиги, шунингдек, сульфидларни оксидланиш жараёнида ажралиб чиқадиган иссиқликдан мақсадли фойдаланиш туфайли юқори маҳсулдорликка эга сульфид концентратларини интенсив оксидловчи қуйдириш имконини берадиган усулни яратиш эди.

Ишлаб чиқилган усул (3-расм) чизмада изоҳлаб берилган қурилмада амалга оширилади. Бунда, қурилманинг умумий кўриниши келтирилган ва жараён қуйидагича амалга оширилади:

дастлабки сульфидли концентрат печнинг ичига махсус конструкцияли, табиий газ 3 ва кислородни 4 аралаштириб берадиган горелка 1 орқали узатилади ва шунинг ҳисобига печнинг ичида машъала ҳосил бўлади. Оксидлашга узатилаётган сульфидли материаллар муаллақ ҳолатда машъала билан печнинг туб қисмида жойлашган ҳаво фурмалари орқали берилаётган иссиқ ҳаво ёрдамида оксидланади. Бу ҳолатда шунга эътибор бериш лозимки, берилаётган ҳаво иссиқлиги сульфидларни оксидлаш жараёнида печдан чиқаётган газлар иссиқлигидан фойдаланиб олинади. Печнинг мўрисида 10 спирал шаклидаги трубкалар ўрнатилган бўлиб, у орқали ҳаракат қилиш давомида қизийдиган қуритилган ҳаво ҳаракатланади. Таклиф қилинаётган бу технология қуйидаги масалаларни ечиш имконини беради:

1. Ўрнатилган спирал трубка ҳавони қиздиради ва ёниш натижасида чиқаётган газлар ҳароратини пасайтиради (чиқаётган газлар ҳарорати  $400^\circ\text{C}$  дан паст бўлади). Бунда қурилма мўрисининг коррозиясига олиб келадиган кислоталар кам ҳосил бўлади.



1. Шихта юкловчи горелка. 2. Печ корпуси. 3. Табиий газ бериш учун найча.
4. Кислород учун трубка. 5. Ҳаво фурмалари. 6. Печ туби. 7. Берилаётган ҳавони қиздириш учун спирал трубка. 8. Тўсиқлар. 9. Бўшатиш. 10. Печнинг мўриси

**3-расм. Таклиф қилинаётган печ тажриба қурилмасининг умумий кўриниши**

2. Иккиламчи иссиқликдан фойдаланиш. Қуйдирилаётган материаллар остидан ҳаво фурмалари орқали иссиқ ҳавонинг берилиши, аввало,



уларни муаллақ ҳолатда ушлаб туриш ва печнинг ичида оптимал ҳароратни сақлаш имконини беради.

Оксидланган заррачалар тўсиқларга 8 урилади ва кейинчалик печ тубининг қиялиги ҳисобига бўшатиш нуқтасига боради. Тубнинг қиялиги 3-5° бўлади. Тўсиқлар 5 куйдирилаётган материални тўлиқ оксидлангунча печнинг ичида ушлаб туриш вазифасини бажаради. 3-5° қияликдаги печнинг туби куйиндини бўшатиш туйнугигача ҳаракатланиш имконини беради, шунингдек, жараённинг тезлигини яъни материалнинг печ ичида бўлиш вақтини бошқаради. Жараён 600-650°C ҳарорат оралиғида олиб борилади.

Таклиф қилинаётган печнинг афзалликлари юқори унумдорлик, шихта ва ёқилғининг бир вақтда берилиши, юқори десульфуризация даражаси, ёқилғининг тежамкорлигидир. Мўри газлари иссиқлигидан фойдаланганда иссиқ ҳаво берилади (жараёнда спирал трубка ўрнатганда печга берилаётган ҳаво қизийди, чиқаётган чанглар совийди ва чангнинг чиқиши 10% га камаяди), мўрида ҳарорат 400°C дан ошмайди, бу эса, ўз навбатида, кислоталар ҳосил бўлишини камайтиради ва печ қисмлари занглашини камайтиради, мўри юзасидаги иссиқлик энергияси билан электр энергияси олиш. Ушбу агрегат исталган турдаги сульфидли материалларни куйдириш учун лойиҳалаштирилган.

Таҳлиллар натижасида:

Молибден ишлаб чиқариш маҳсулотида сульфид зарраларнинг кам оксидланиши ва молибден диоксиди ҳосил бўлишининг сабаблари аниқланган. Оксидловчи куйдириш жараёнининг механизмлари босқичма-босқич ўрганилган, бу эса кам оксидланиш сабабини бартараф этишга имкон беради.

Якуний маҳсулот  $\text{MoO}_3$  атомлар/молекулаларнинг юқори ҳаракатчанлиги ва  $\text{MoO}_3$  нинг юқори буғ босими туфайли юқори оксидланиш ҳароратида қатламли ва силлиқ заррачаларни ҳосил қилишга интилади; паст оксидланиш ҳароратида эса, ҳосил бўлган  $\text{MoO}_3$  йирик ва йирик агломерат заррачаларига айланди.


Икки фазали реакциянинг кинетик модели 550 °C дан 620 °C гача бўлган ҳарорат оралиғида  $\text{MoO}_2$  нинг  $\text{MoO}_3$  га оксидланиш кинетикасини тавсифлаш учун ишлатилади.  $\text{MoO}_2$  нинг  $\text{Mo}_4\text{O}_{11}$  га ва  $\text{Mo}_4\text{O}_{11}$  нинг  $\text{MoO}_3$  га оксидланиш жараёнлари биринчи навбатда назорат қилиниши аниқланди: ўз ўрнида тартибли фазалараро кимёвий реакция ва икки ўлчовли диффузия. Тегишли фаоллаштириш энергиялари мос равишда 77,691 кДж/мол ва 158,664 кДж/мол эканлиги аниқланди.

Диссертация ишининг **“Ҳар хил молибден оксидларининг ҳосил бўлишини аниқлаш учун оксидловчи куйдиришнинг технологик кўрсаткичларини тадқиқ этиш ва аниқлаш”** номли тўртинчи бобида жараёнда энг яхши кўрсаткичларни олишнинг оптимал шартлари тажриба синовлари орқали асослаб берилган.


Таклиф этилаётган оксидлаб куйдириш печида сульфидли молибден кекларини паст ҳароратда муаллақ ҳолатда оксидлаб куйдириш тажрибалари

ўтказилди. Тажрибалар учун куйидаги таркибга эга намуналар олинди: 1-намуна – 1,07 %  $S$  и 8,62 %  $MoO_3$ , 2-намуна – 1,62 %  $S$  и 8,37 %  $MoO_3$ . ОКМК АЖ Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси молибденли маҳсулотларни гидрометаллургик қайта ишлаш цехида йириклаштирилган тажриба-синовлар амалга оширилди.

4-расмда ўтказилган лаборатория тадқиқотлари график кўринишида келтирилган. Печ ичида ҳарорат 450°C дан 650°C гача ўзгартирилади, жараён давомийлиги эса 30 минутдан 135 минутгача вақт оралиғида ўзгартирилади. Фақатгина берилаётган маҳсулот намлиги барча синовларда бир хил. 5-расмда асосий элемент ажратиб олиш даражасининг оксидаб куйдириш жараёни ҳарорати ва давомийлигига боғлиқлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.



4-расм. Жараён ҳарорати ва давомийлигининг сульфидли бирикмалар оксиданиш даражасига таъсири (Mo)



5-расм. Металл ажлатиб олиш даражасининг оксидаб куйдириш жараёни ҳарорати ва давомийлигига боғлиқлиги

Бунда кўриш мумкинки, жараён 600°C да 90 минут давомийликда энг яхши самарадорликка эга. Сўнг 16% намликка эга маҳсулот турли ҳарорат ва жараён давомийлигида синовдан ўтказилди. 500-550°C ҳароратда олиб борилган тажрибалар энг самарали натижалар берди. 1 ва 2- жадвалларда 16%

намликдаги маҳсулотни оксидлаб куйдириш бўйича тажриба натижалари берилган.

1-жадвал

**Молибден кекларини самарали режимни аниқлаш учун оксидлаб куйдириш тажриба натижалари T=500°C, W=16%**

Мо микдори, %	S микдори, %	Жараён давом этиш вакти, мин	Куйдириш жараёнидан сўнг S микдори, %	Сульфид- сизлантириш даражаси, %	Мо ажратиб олиш даражаси, %
8,67	1,58	30	0,72	54,56	75,1
8,67	1,58	45	0,69	56,46	75,7
8,67	1,58	60	0,66	58,35	76,3
8,67	1,58	75	0,63	60,25	76,9
8,67	1,58	90	0,60	62,15	77,5
8,67	1,58	105	0,57	64,05	78,1
8,67	1,58	120	0,56	64,70	78,5
8,67	1,58	135	0,56	64,7	78,3

Технологик кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида 700°C ҳароратда тажрибалар ўтказилди. Бунда оддий завод шароитидан кўра яхшироқ натижага эришилди. Чунки завод шароитида оксидлаб куйдириш жараёни айланма қувурли печларда 550-600°C ҳароратда олиб борилади.

2-жадвал


**Молибден кекларини самарали режимни аниқлаш учун оксидлаб куйдириш тажриба натижалари T=550°C, W=16%**

Мо микдори, %	S микдори, %	Жараён давом этиш вакти, мин	Куйдириш жараёнидан сўнг S микдори, %	Сульфид- сизлантириш даражаси, %	Мо ажратиб олиш даражаси, %
8,92	1,68	30	0,71	57,74	76,1
8,92	1,68	45	0,66	60,54	78,5
8,92	1,68	60	0,62	63,33	80,9
8,92	1,68	75	0,57	66,13	83,3
8,92	1,68	90	0,52	68,93	85,7
8,92	1,68	105	0,48	71,73	88,1
8,92	1,68	120	0,40	76,20	91,5
8,92	1,68	135	0,396	76,42	91,45


Асосий натижалар ва афзалликлар қуйидаги графикларда ўз аксини топган (6-расм., 7-расм). 7-расмда печь ҳарорати ва жараён вақтининг оксидланиш ва кейинчалик металл ажратиб олиш даражасига таъсири келтирилган. Бунда оптимал ҳарорат сифатида 550°C белгиланди, ҳароратнинг оширилиши тез эрувчи заррачаларнинг бирикиб қолишига, натижада қимматбаҳо компонент ажратиб олиш даражасининг камайишига сабаб бўлади.

Таклиф этилаётган муаллақ ҳолатда интенсив куйдириш печи саноат-тажриба ускунасида 12% намликдаги сульфидли молибден кеклари паст ҳароратли оксидлаб куйдириш жараёни бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида ҳарорат ва жараён давомийлигининг ошиб бориши оксидланиш ва металл ажратиш олиш даражасига таъсир қилиши тасдиқланди.

Шунингдек, молибден сульфидли кекларини оксидлаб куйдириш 550-600°C ҳароратда 90 минут давомида олиб борилиши мақсадга мувофиқ самарали шароит эканлиги аниқланди.



**6-расм. 12% намликдаги материал қайта ишланганида жараён давомийлиги ва ҳароратининг оксидланиш даражасига таъсири**



**7-расм. 12% намликдаги материал қайта ишланганида жараён давомийлиги ва ҳароратининг металл ажратиш олишга таъсири**

